

“Ҳаж-2019”: гуруҳ раҳбарлари учун йиғилиш ўтказилди



09:32 / 26.06.2019 1777

25 июнь куни Тошкент шаҳридаги “Шайх Зайниддин” жоме масжидида “Ҳаж-2019” мавсумида зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи гуруҳ раҳбарлари учун йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Сирдарё, Жиззах ҳамда Самарқанд вилоятлари зиёратчиларига хизмат кўрсатувчи жами 44 нафар гуруҳ раҳбари қатнашди, деб хабар бермоқда ЎМИ матбуот хизмати. Тадирда Дин ишлари бўйича қўмита, ЎМИ, тиббиёт гуруҳи мутасиддалир томонидан Ҳаж мавсуми давомида ўзбекистонлик зиёратчиларга хизмат кўрсатувчи гуруҳ раҳбарларига керакли тавсия ва маслаҳатларни беришди.

Шуниндек, йиғилишда гуруҳ раҳбарларининг бурч ва масъулиятлари, ҳаж ибодатининг рукнлари, зиёратчиларнинг ибодатини мукамал ташкил этиш чоралари, сафарга жўнаб кетиш ҳамда Саудия Арабистонидаги ташкилий ишлар ҳақида аτροφлича маълумот берилди. Ўз навбатида, гуруҳ раҳбарларига сафар билан боғлиқ ҳужжат ишлари, гуруҳдаги зиёратчиларнинг паспорт ва бошқа ҳужжатларини юритиш қоидалари борасида ҳам керакли эслатмалар берилди.

Islom.uz портали тахририяти